

8-1-2018

THE ROLE OF DEPOSIT OPERATIONS OF COMMERCIAL BANKS TO SUPPORT BANK RESOURCES BASE

D. Saidov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Saidov, D. (2018) "THE ROLE OF DEPOSIT OPERATIONS OF COMMERCIAL BANKS TO SUPPORT BANK RESOURCES BASE," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 13.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/13>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Саидов Д.А. – ТМИ,
бўлим бошлиғи, и.ф.н., доц.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ БАНК РЕСУРС БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ ЎРНИ

Мақолада тижорат банкларининг депозит операциялари, унинг ҳозирги ҳолати таҳлил этилган ҳамда банк ресурс базасидаги ўрни ёритилган ва банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: депозит, депозит турлари, талаб қилиб олинганча депозит, муддатли депозит, жамғарма депозит, транзакцион депозит, депозит сертификати, банк ресурслари, жалб қилинган маблағлар, банк ресурс базаси.

В статье проанализировано нынешнее состояние депозитных операций коммерческих банков, а также рассмотрена роль ресурсной базы банка и приведены предложения по ее укреплению.

Ключевые слова: депозит, виды депозитов, депозит до востребования, срочный депозит, сберегательный депозит, транзакционный депозит, депозитный сертификат, ресурсы банка, привлеченные средства, ресурсная база банка.

The article describes the deposit operations of commercial banks, their current state and role in the bank resource base, and recommendations to secure the banks' resource base.

Key words: deposit, deposit types, demand deposit, term deposit, savings deposit, transactional deposit, certificate of deposit, bank resources, attracted funds, bank resource base.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади банклар фаолиятини такомиллаштириш орқали уларни ликвидилиги ва даромадлилигига эришиш, тижорат банкларининг депозитлари ҳажмини ошириш орқали банкларнинг ресурс базасини кенгайтириш, республика аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлиги ўсишини таъминлаш мақсадида жозибадор депозит турларини ишлаб чиқиш орқали маблағлар жалб қилиш ҳамда уларни бозор қонуниятлари асосида тақсимлаш самарадорлигини ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини уларнинг капиталлашув даражаси ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш банклар олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Банк тизимини янада ислоҳ қилиниши ва халқаро меъёрларга мос ҳолда уларнинг фаолиятини ташкил этилиши, банклар фаолиятига тегишли қарорларда халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ, шу жумладан депозит ва кредит сиёсати соҳасида республика банкларига нисбатан қўйилаётган меъёрий талабларни янада такомиллаштириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, омонат ва депозитларнинг янги жозибадор турларини жорий

қилиш йўли билан аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг кўламда жалб этиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича алоҳида тўхталиб ўтилган[1].

Ҳозирги шароитда тижорат банклари тармоқларининг кенгайиши туфайли, улар орасида депозитларга, банклараро кредитларга ва бошқа банк ресурсларига рақобатнинг кучайиши вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш вазифалари белгиланган[2].

Тижорат банкларининг депозит операциялари банкларнинг ресурс базасида муҳим ўрин эгаллайди. Тижорат банкларининг депозит базаси ҳажми қанчалик кўп ва мустаҳкам бўлса, банкларнинг актив операцияларини амалга ошириш кўлами шунчалик кенгайди.

Республикамиз тижорат банклари депозитлари ҳажмини йилдан йилга ошиб бориши ижобий ҳисобланади. Шу ўринда тижорат банклари томонидан жалб этилган депозитларнинг умумий ҳажми 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 58668.5 млн. сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Бу, албатта, ижобий ҳолат ҳисобланади. Яъни, тижорат банклари депозитлари ҳажмини ошиши ўз навбатида банкларни ресурс базасини ошишига олиб келади ва бу эса банкларнинг даромадлигига ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимиз банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар бугунги кунда тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштириш орқали уларнинг пассив операциялари ҳажмини кўпайтиришга ўз хиссасини қўшмоқда. Бунда банклараро рақобат шароитида тижорат банклари ўзига аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини тобора кўпроқ жалб қилиш йўллари излаб топишга ҳаракат қилади.

- Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Депозит жалб қилиш банкларнинг асосий операцияларидан бири ҳисобланиб, даромад келтирувчи актив амалларни бажариш билан боғлиқ фаолиятларида жалб қилинган яъни, депозитлар муҳим ўрин тутаяди.

Депозит- талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз қайтариб бериш шарти билан топшириладиган миллий ва чет эл валютасидаги пул суммаси[3].

Банкларнинг депозит операциялари – банкларнинг депозиторлар билан тузган шартномалари асосида депозит мақсадларига кўра муайян муддатга жалб этиш ҳамда сақлашга доир операциялардир.

Тижорат банклари жалб қилинган маблағларнинг асосий қисмини депозитлар ташкил этади. Халқаро банк амалиётида депозитлар дейилганда молия – кредит ёки банк муассасаларига сақлаш учун берилган қимматли

қоғозлар ёки пул маблағлари тушунилади[4].

Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида депозитлар куйидаги турларга бўлинади:

- 1) талабқилиболингунга депозитлар;
- 2) муддатли депозитлар;
- 3) жамғарма депозитлари[5].

Талаб қилиб олингунга депозитлар деб омонатчиларнинг талаб қилиниши биланоқ бериладиган омонатлар тушунилади.

Талаб қилиб олингунча (транзакцион) депозитлар арзон ресурс ҳисобланади, лекин муддати жиҳатдан нобарқарор маблағлар ҳисобланади.

Банк омонати шартномасида белгиланган тартибда дастлабки омонат суммасига қўшимча маблағлар киритиб бориш ҳуқуқи билан муайян шартлар асосида жамғариладиган ва маълум мақсадларда йўналтириладиган омонатлар **жамғарма депозитлар** ҳисобланади.


Банк омонати шартномасида белгиланган муддат туганидан кейин қайтариш шарти билан жалб қилинган омонатлар **муддатли депозитлар** ҳисобланади.

- Таҳлил ва натижалар

Тижорат банкларининг депозит операциялари ҳажмини ошириши ва хориж тажрибасининг ижобий томонларини инобатга олган ҳолда янги жозибадор депозит турларини жорий этилиши банкларнинг ресурс базасини ошишига ва ушбу ресурсларини самарали жойлаштирилиши натижасида тижорат банкларини молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга замин яратади.

Депозит турлари муддати ва шартларига кўра фарқланиб, маълум муддатга жалб қилинган депозитлар барқарор ресурс манба ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз тижорат банклари ресурсларини асосий манбаси ҳисобланган депозитлар динамикасини кўриб чиқамиз.



1–расм. Тижорат банклари депозитлари динамикаси, (млрд. сўм) [5].

Юқоридаги расмда 2008-2017 йилларда тижорат банклари депозитлари динамикаси келтирилган. Расмдан кўринадики, 2008 йилда депозитлар ҳажми

5771,6 млрд. сўми ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 58668,5 млрд. сўмга етди ва 2008 йилга нисбатан 52896,9 млрд. сўмга ошган. Бу ўз навбатида тижорат банкларини ресурс базасини мос равишда ошиши билан изоҳланади. Чунки, тижорат банклари томонидан жалб қилинадиган маблағларнинг асосий қисмини депозитлар ташкил этади.

Тижорат банкларидепозитларининг ЯИМдаги улушини ўрганиш ҳам муҳим кўрсаткич бўлиб, 2017 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 23,4 фоизни ташкил қилган. Тижорат банкларининг жами депозитлари таҳлил этилган йилларда ўсиш тенденциясига эга. Бироқ ЯИМдаги улуши 2013 йилга нисбатан 0,2 фоизга пасайган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, банк депозитларининг ўсиши ЯИМни ўсишидан ортда қолмоқда. Шу сабабли банклар томонидан миқдорлар учун жозибадор, янги депозит турларини таклиф этилиши ва бу орқали банкларнинг депозит базаси ҳажмини ошириб бориш имкониятини яратади.

Тижорат банклари депозит амалиётида қатор муаммоларнинг мавжудлиги банкларнинг ресурс базасининг барқарорлигига таъсир қилмоқда. Бу эса банк активларининг самарадорлигини пасайишига олиб келади. Чунки, банкнинг актив операциялар ҳажми бевосита депозитлар ҳажмига боғлиқдир.

Тижорат банклари томонидан депозит операциялари таркибини таҳлил қилишимиз муҳим ҳисобланиб, у орқали биз банкнинг ресурс базасига баҳо беришимиз мумкин. Яъни, тижорат банкининг ресурс базаси қандай манба ҳисобидан шаклланганлигини кўришимиз мумкин.

Мисол тариқасида айрим олинган тижорат банкларининг депозитлари таркибини кўриб чиқамиз.

1-жадвал

АТИБ “Ипотека банк” нинг депозитлари таркиби[6], (млрд. сўм)

Депозит турлари	2013 й.		2014 й.		2015 й.		2016 й.		2017 й.	
	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%
Талаб қилиб олингунча депозитлар	1491,1	82,9	1284,1	71,2	11346,3	82,0	1828,2	68,3	3649,2	66,3
Жамғарма депозитлар	16	0,9	62,7	3,5	81,2	6,9	110,5	4,1	289,6	5,2
Муддатли депозитлар	290,5	16,2	455,3	25,3	646,5	11,1	736,5	27,6	1567,6	28,5
Жами депозитлар	1797,6	100	1802	100	2074	100	2675,2	100	5506,4	100

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлариданкўринадики, АТИБ “Ипотека банк”нинг депозитлари таркиби 2013-2017 йиллар оралиғида таҳлил қилинган бўлиб, депозитлар ҳажми йилдан йилга ўсиш динамикаси кузатилган. Депозитлар таркибида талаб қилиб олингунча депозитлар 2013 йилда 82,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб эса 66,3 фоизни ташкил қилган. Йиллар кесимида кўрадиган бўлсак, талаб қилиб олингунча депозитларнинг

жами депозитлардаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга. Бироқ жами депозитлардаги салмоғи юқориликча қолмоқда.

2-жадвал

АТБ “Асака банк” нинг депозитлари таркиби[7], (млрд. сўм)

Депозит турлари	2013 й.		2014 й.		2015 й.		2016 й.		2017 й.	
	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%
Талаб қилиб олингунча депозитлар	1672,9	54,1	1875,8	54,6	2332,3	50,4	3255,6	54,6	5421,2	65,7
Жамғарма депозитлар	4,6	0,1	14,6	0,4	12,4	0,3	14,7	0,2	226,8	2,7
Муддатли депозитлар	1415,5	45,8	1547,2	45,0	2277,4	49,3	2698,4	45,2	2604,6	31,6
Жами депозитлар	3093,1	100	3437,6	100	4622,1	100	5968,7	100	8252,6	100

Ушбу жадвалда АТБ “Асака банк”нинг депозитлари таркиби таҳлил этилган бўлиб, банкнинг жами депозитлари 2013 йилда 2695,4 млрд. сўмни, 2017 йил якуни бўйича эса 8252,6 млрд. сўмни ташкил этган. Ушбу банкда ҳам депозитлар таркибида асосий улушни талаб қилиб олингунча депозитлар эгаллаб, 2013 йилда 54,1 фоизни, 2017 йилда эса 65,7 фоизни ташкил қилган. Бу эса ўз навбатида банкнинг ресурс базасини асосий қисмини нобарқарор манба ҳисобидан шаклланганлигини билдиради.

3-жадвал

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг депозитлари таркиби[8], (млрд. сўм)

Депозит турлари	2013 й.		2014 й.		2015 й.		2016 й.		2017 й.	
	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%
Талаб қилиб олингунча депозитлар	797,5	78,9	1050,0	81,6	1649,9	79,7	2040,4	79,4	2530,3	76,7
Жамғарма депозитлар	96,8	9,57	102,1	8,0	155,3	7,5	253,5	9,9	513,2	15,6
Муддатли депозитлар	116,3	11,5	134,2	10,4	265,4	12,8	275,0	10,7	253,3	7,7
Жами депозитлар	1010,6	100	1286,3	100	2070,6	100	2568,9	100	3296,8	100

Юқорида келтирилган жадвалда АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг депозитлари таркиби таҳлил этилган бўлиб, бу банкнинг ҳам депозитлари ҳажмини йилдан йилга ўсиши кузатилган. Ушбу банкнинг депозитлари таркибида талаб қилиб олингунча депозитлар юқори салмоқни эгаллашини юқоридаги жадвалда кўриш мумкин. Яъни, талаб қилиб олингунча депозитлар 2013 йилда жами депозитларнинг 78,9 фоизини ва 2017 йилга келиб эса 76,7 фоизини ташкил этган ва 2013 йилга нисбатан 2,2 фоизли пунктга пасайган.

Юқорида таҳлил этган барча тижорат банкларининг ресурс базасини асосий қисмини барқарор бўлмаган манбалар, яъни, республикамиз тижорат банклари депозит операциялари таркибида муддатсиз депозитларнинг салмоғи

юқори, деган хулосага келинади. Бу эса ўз навбатида банк ресурслари таркибида барқарор бўлмаган манбанинг юқорилиги билан изоҳланади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, тижорат банкининг депозит базаси етарли бўлиши учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги халқаро экспертлар томонидан таъкидланган.

Ҳозирги кунда тижорат банкларини барқарор ресурс манбаси сифатида депозит сертификатларини мисол қилишимиз мумкин. Тижорат банклари томонидан чиқарилган депозит ва жамғарма сертификатлари 2010 йил бошига 205,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йил бошига тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган ва жойлаштирилган депозит ва жамғарма сертификатлари 1054,1 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу ижобий ҳолат бўлиб, улар аниқ муддатга чиқарилади ва ушбу муддат давомида тижорат банклари учун барқарор ресурс сифатида хизмат қилади.

Яқин кунгача Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира меъёрини юқорилиги банкларнинг депозитлари ҳажмига ўз таъсирини кўрсатиб келди. Яъни, 2018 йил 1 июнгача юридик шахсларнинг депозитларига нисбатан мажбурий захира меъёри ўртача 12,5%ни ташкил этган бўлса, 2018 йил 1 июнидан бошлаб, эса, юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари муддати ва валюта тури бўйича табақалашган ҳолда мажбурий захирага тортиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан пул-кредит сиёсати соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2018 йилнинг 1 октябридан бошлаб мажбурий захира меъёри юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари бўйича бир хиллаштирилиши, депозитларнинг валюта турига қараб табақалашган тартиби жорий этилиши белгиланди. Бунга асосан, юридик ва жисмоний шахслардан 2 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган миллий ва чет эл валютасидаги депозитлари мажбурий захирага тортилмайди. 1 йилдан 2 йилгача миллий валютадаги депозитларга 2%, 1 йилдан кам депозитларга 4% ва 1 йилдан 2 йилгача хорижий валютадаги депозитларга 7%, 1 йилдан кам депозитларга 14% қилиб белгиланган. Бу эса, ўз навбатида тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базасини ошишига ва молиявий барқарорлигини таъминлашга, миллий валютадаги депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг жозибадорлигини оширишига хизмат қилади.

- Хулоса ва таклифлар

Банклараро рақобат шароитида тижорат банкларининг кредит операциялари самарадорлигини ошириш уларнинг жалб қилинган маблағларининг барқарорлигини таъминлаш орқали юзага келади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш жараёнидаги иштирокини кучайтириш уларнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлашни тақозо этади. Ўз навбатида, банклар ресурс базасининг мустаҳкамлиги юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари миқдорининг ўсиб боришига, уларнинг миқдор ва муддат жиҳатдан барқарорлигини таъминлашга боғлиқ.

Тижорат банклари томонидан аҳоли ва хўжалик субъектлари талабларини ҳисобга олган ҳолда депозит ва омонатларнинг янги турларини мунтазам равишда жорий қилиш, шу жумладан, узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларни чиқариш, субординар қарзларни фаол жалб қилиш банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тижорат банклари депозит стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга қўллашда тижорат банклари депозит базасининг барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларга риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан бўш турган пул маблағларини депозит операцияларига жалб қилиш ва банкларнинг ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

– юридик ва жисмоний шахслардан жалб қилинган депозитлар миқдорини сезиларли даражада ошириб бориш;

– акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилган барча тижорат банкларининг устав капиталида хорижий инвесторлар иштирокини таъминлаш чораларини кўриш;

– аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб қилиш ҳамда инновацион депозит дастурларини ишлаб чиқиш;

– жалб қилинган ва жойлаштирилмаган маблағларни муддатлари ва банк активларининг рентабеллиги ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш ҳамда уларнинг ўз вақтида қайтарилишини кафолатлаш;

– депозит операциялари бўйича хориж тажрибасини чуқур ўрганиш ва ижобий томонларини мамлакатимиз банк тизимида қўллаш;

– қарз қимматли қоғозларини, жумладан, депозит сертификатларини чиқариш ҳажмларини ошириш ҳамда субординар қарзлар жалб қилиш орқали банкларни ресурс базасини мустаҳкамлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2344-сон Қарори//Lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони//Lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги 2711-сонли йўриқномаси, 2015 йил 26 август //www.cbu.uz.

4. Киреев В.Л. Банковское дело. Учебник./ В. Л. Киреев, О. Л. Козлова. - М.: КНОРУС, 2012. –с. 240-241.

5. Азизов У., Қоралиев Т. ва бошқалар. Банк иши. Дарслик. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2016. 131-135б.
6. www.cbu.uz-(Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти).
7. www.asakabank.uz-(“Асака” АТБнинг расмий сайти).
8. www.ipotekabank.uz-(“Ипотека-банк” АТИБнинг расмий сайти).
9. www.uzpsb.uz-(“Ўзбекистонсаноат-қурилиш банки” АТБнинг расмий сайти).